# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2014 йил — Соғлом бола йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2014-YIL 19-SENTYABR, JUMA, 113 (8350)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


## ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!






**Пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Соғлом бола йилига бағишлаб “Болалар китоби” республика фестивали ташкил этилди.**

# КИТОБ БАЙРАМИ

“Соғлом ва маънавий етук авлод – юрт келажаги!” шиори остида ўтказилаётган мазкур фестивалнинг очилишида турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари,ноширлар, ўқитувчилар, талабалар, ўқувчилар, ота-оналар иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Саййид ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, уларнинг китобга бўлган меҳрини тобора ошириш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ахборот-ресурс марказлари, нашриётлар, босмахоналарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий маърифат масканларини барпо этиш, соҳа ходимларининг касб малака ва маҳоратини янада юксалтиришнинг янгидан-янги имкониятлари очилмоқда.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан нашриёт-матбаа ижодий уйларини энг замонавий технологиялар асосида модернизациялаш, ноширлик ишларини янада такомиллаштириш орқали ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятини тобора юксалтириш юзасидан тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда ноширлик ишини янада яхшилашга оид сайёр ўқув-семинарлар, ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазалари, талаб ва эҳтиёжларини пухта ўрганиш юзасидан сўровномалар, китоб савдосининг таҳлили мунтазам тарзда йўлга қўйилган.

**(Давоми 2-саҳифада)**

САЙЛОВ – 2014

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар вакилларига сайловчилар имзосини тўплаш учун имзо варақалари берилди. Мазкур жараён сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирокини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилмоқда.**

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ИМЗО ТЎПЛАШНИ БОШЛАДИ

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партиялар – Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси парламент сайловида иштирок этиш истагини билдирди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасига мувофиқ белгиланган намунадаги имзо варақалари Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан кейин берилади.

Марказий сайлов комиссияси котиби Комилжон Одиловнинг таъкидлашича, қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинадиган кундан камида тўрт ой олдин рўйхатга олинган сиёсий партиялар депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга.

– Сиёсий партия сайловда уни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг камида қирқ мингта имзосини тўплаши зарур, – дейди К.Одилов. – Бунда мамлакатимизнинг битта маъмурий-ҳудудий тузилмасида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ёки Тошкент шаҳрида тўпланган имзолар сони талаб этилган имзолар сонининг саккиз фоизидан ошмаслиги белгиланган.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 21-моддасига биноан сиёсий партия депутатликка номзодлар кўрсатиш учун 12 октябргача Марказий сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия қонунда белгиланган муддатда рўйхатга олинганини тасдиқловчи маълумотномаси, шунингдек, имзо варақаларини тақдим этиши шарт. Имзо варақалари топширилгач, Марказий сайлов комиссияси уларнинг тўғри тўлдирилганини текширади.

– Ушбу жараёнда сиёсий партиялар вакилларининг иштирок этишига ҳам рухсат этилади, – дейди К.Одилов. – Сайловчилар имзоси сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси ушбу сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рад этади.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш тўғрисида якуний қарор қабул қилади. Сайловда иштирок этувчи партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиш тартибига қараб, марказий матбуотда эълон қилинади.

Эслатиб ўтиш керакки, Ўзбекистонда 2014 йилнинг 15 сентябридан парламент қуйи палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси расман бошланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов 2014 йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбаси – 21 декабрда ўтказилади. 135 нафар депутат ҳудудий, бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. 15 депутатлик ўрни эса Ўзбекистон Экологик ҳаракатига берилган.

**ЎзА**

Қорақалпоғистон Республикаси

## МЕНИНГ БИРИНЧИ ОВОЗИМ

**Беруний қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежида “Менинг биринчи овозим” мавзусида тадбир бўлиб ўтди.**

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Беруний тумани Кенгаши томонидан ташкил этилган йиғилишда “Ёшлар қаноти” фаоллари, касб-ҳунар коллежи ўқувчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

“Парламентда менинг ўрним” лойиҳаси доирасида ўтказилган ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик кўриш, сайлов қонунчилиги тизимига киритилган ўзгартишлар ҳақида сўз юритилди.

— Асосий мақсад ёшларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, бўлажак сайлов жараёнида уларнинг фаол иштирокини таъминлашдан иборат, — дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Беруний тумани Кенгаши раҳбари Тўли Ҳайитбоев. — Шу билан бирга, тадбирда сайлов кампаниясини юксак даражада ўтказиш бўйича партиянинг сайловолди вазифаларини ҳам белгилаб олдик.

Иштирокчилар тадбир давомида сайлов жараёнига оид ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ – 2014

## ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ШАҲАРЧАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ БАЙРОҒИ КЎТАРИЛДИ

*ИНЧЕОН. 18 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Меҳрибон МАМЕТОВА хабар қилади.*

**Ўзбекистон спорт делегацияси XVII Осиё ўйинларида иштирок этиш учун Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрига етиб келди.**

Осиё ўйинларининг спорт шаҳарчасида қитъамизнинг 45 мамлакати спорт делегациялари жойлашди. Шаҳарча янги бунёд этилган 22 қаватли турар-жой бинолари ва 15 минг кишилик 2,2 минг квартирани ўз ичига олган уч кварталдан иборат.

Осиё ўйинларини юқори савияда ўтказиш мақсадида Инчеон шаҳрида қатор спорт объектлари, жумладан, олтита спорт майдони, Аква-марказ, волейбол зали ва теннис мажмуаси, спорт саройи ва марказий стадион барпо этилган. Марказий стадионда XVII Осиё ўйинларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари бўлиб ўтади.

Ўзбекистон спорт делегацияси энг катта делегациялардан биридир. Улар орасида дзюдочи Ришод Собиров, боксчи Ойбек Мамазулунов, енгил атлетикачи Светлана Радзивилл, теннисчи Денис Истомин, оғир атлетикачи Улуғбек Алимов ва Руслан Нурудинов каби машҳур спортчилар бор. XVII Осиё ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган машҳур спортчиларимизнинг аксарияти Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт мусобақалари – “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиадада кашф этилган. Олимпия ҳаракати принципларига тўла мувофиқ равишда ўтказиб келинаётган ушбу мусобақалар юз минглаб ёшлар учун оммавий спорт майдони, халқаро ареналарда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир истеъдодли спортчиларни тайёрлаш мактабига айланди.

18 сентябрь куни спорт шаҳарчасининг расмий, маданий, тантанали тадбирлар ўтказиладиган майдонида Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янграб, давлат байроғи кўтарилди.

– Нуфузли спорт мусобақаларидан бири бўлган Осиё ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш бизга ғурур бағишлайди, – дейди оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори Улуғбек Алимов. – Давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз кўтарилганда қалбимиз фахр-ифтихорга тўлди. Спорт шаҳарчасида ҳилпираб турган байроғимизни кўриб, шундай нуфузли мусобақада, аввало, мустақиллигимиз шарофати, Президентимиз томонидан соғлом, баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган эътибор, спорт билан шуғулланиш учун яратилаётган қулай шароит туфайли иштирок этаётганимизни ҳис этдик. Спорт том маънода ҳаётимизнинг мазмунига айланган. Бизга билдирилган ишончни оқлаш ва юқори натижаларни қўлга киритиш учун бор имкониятимизни ишга соламиз.

Инчеон шаҳридаги XVII Осиё ўйинларида қитъанинг энг сара спортчилари 50 спорт тури бўйича ўзаро беллашади. Ўзбекистонлик 300 нафарга яқин спортчи бокс, эркин ва юнон-рум кураши, дзюдо, оғир атлетика, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, академик эшкак эшиш, слалом, енгил атлетика, сузиш, синхрон сузиш, сув полоси, бадиий ва спорт гимнастикаси, трамполин, ўқ отиш, теннис, таэквондо (WTF), велоспорт, футбол каби спортнинг 32 тури бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

**ЎзА**




Бухоро Вилояти

## ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

*Ғиждувон туманидаги “Хўжаликлараро қурилиш материаллари ва қурилмалари комбинати” масъулияти чекланган жамиятига хориждан бетон – шағал аралашмаси ҳамда 12 турдаги деворбоп ва йўлак ғиштлари ишлаб чиқарадиган 2 та замонавий ускуна келтирилиб ўрнатилди.*

— Янги технологиялар ёрдамида бажариладиган барча иш жараёнлари, жумладан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот учун зарур бўладиган хомашёлар – цемент, қум, шағал ва сув меъёрларидан тортиб, қолипларга қўйилган аралашманинг зичлиги ҳам компьютер ёрдамида бошқарилади, — дейди жамият раҳбари Ражаб Ҳамроев. — Энг асосийси, янги технологиялар электр энергияси ва ишчи кучини тежаши билан ҳам иқтисодий жиҳатдан самарали экан.

Корхонада ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёлардан кенг фойдаланилади. Масалан, корхона фаолияти учун зарур бўладиган асосий хомашёлар – қум ва шағал ҳудудга яқин жойдаги Жилвон карьеридан ташиб келтирилади. Натижада тайёр маҳсулотнинг таннархи бир мунча арзонга тушяпти.

Ўтган йили корхонада 1 миллиард сўмлик қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда янги технологиялар кучига таянган ҳолда, бу кўрсаткични икки ярим баробарга ошириш кўзда тутилган.

**Ҳамроз АЛИ**

Жиззах Вилояти

## БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН

*Жиззах политехника институти қошида ташкил этилган “Одина скарлет текстиль” масъулияти чекланган жамиятида эркаклар учун кузги ва қишки кийим-кечаклар ишлаб чиқарилмоқда.*

Фаолиятга бозор талабларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш корхонанинг изчил ривожланишига асос бўлмоқда.

– Корхонамиз фаолиятини йўлга қўйиш учун ўз ҳисобимиздан 500 миллион сўм сарфладик, – дейди жамият раҳбари Марҳабо Маннонова. – Шунингдек, банкдан имтиёзли кредит олдик. Бу сармоя замонавий тикув ва тўқув ускуналарини келтириш учун сарфланди. Жамоамизда фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ ёшлар хорижда илғор технологиялар сир-асрорларини ўзлаштиришди.

Айни пайтда корхонада замон талабларига мос 30 хил турдаги маҳсулот тайёрланаётир. Эндиги вазифа ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспортга йўналтиришдан иборат.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ**

Наманган Вилояти

## ЙЎЛ РАВОН, КЎПРИК МУСТАҲКАМ

*Янгиқўрғон туманидаги Оқтом қишлоғига элтувчи автомобиль йўли кенгайтирилиб, тўла таъмирланди. Қишлоқдан ўтадиган анҳор устида янги ва мустаҳкам кўприк бунёд этилди.*

— Кўприкнинг узунлиги 18 метр, эни эса 7 метрни ташкил этади, — дейди тумандаги “Йўлчи” кўп тармоқли хусусий корхонаси раҳбари Мухторжон Иноятов. — Бунёдкорлик ишларини иш юритувчи Дилшоджон Эргашев бошчилигидаги кўприксоз усталар тўрт ой давомида амалга оширдилар. Уларга туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси ишчи-ходимлари яқиндан кўмаклашдилар.

— Йўл, айниқса, кўприк қурганнинг савоби катта, — дейди оқтомлик Собиржон ота Абдусаматов. — Чунки йўл ҳам, кўприк ҳам кўпчиликка хизмат қилади. Қишлоғимиз туман марказидан анча олисда бўлишига қарамай, кейинги йилларда обод масканлардан бирига айланиб бормоқда.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ**

Сирдарё Вилояти

## ЯНГИ КОРХОНА ИШГА ТУШДИ

*Боёвут туманида ширинмиядан экстракт олишга мўлжалланган замонавий корхона ишга туширилди.*

Ширинмия илдизидан экстракт оладиган “Sirdaryo Lucorice Extract” МЧЖда айни вақтда 75 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар асосан экспорт қилинмоқда. Корхона фаолиятини кенгайтириш, ширинмия етиштиришни кўпайтириш учун жамиятга Боёвут туманидан 500 гектар ер ажратиб берилмоқда. Бу эса келгусида экстракт ишлаб чиқариш ҳажмини икки баравар ошириш имконини беради.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

# ЗАМОНАВИЙ ВА ИХЧАМ ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

**Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида жадал ривожланиш кўзга ташланмоқда. Жумладан, энергетика ва қурилиш саноатида ҳам салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда. “Ўзэкспомарказ” мажмуасида уч кун давом этган “UzEnergyExpo – 2014” ва “UzStroyExpo – 2014” ихтисослаштирилган халқаро кўргазмаларида намойиш этилган энергетика ва қурилиш саноати маҳсулотлари, материал ва жиҳозлар ҳамда хизмат турлари бунинг яққол исботидир.**

“Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси, “Ўзқурилишматериаллари”, “Ўзмахсусмонтажқурилиш” акциядорлик компаниялари, ЎзФА Энергетика ва автоматика институти, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги ҳамда “IEG Uzbekistan” кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилган ушбу кўргазмаларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан бир қаторда Хитой, Италия, Жанубий Корея, Озарбайжон, Россия, Чехия каби кўплаб хорижий давлатларнинг шу соҳалар бўйича етакчи компаниялари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда энергетика ва қурилиш саноати ривожланишида истиқболли лойиҳаларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани, тайёр маҳсулотлар, кўплаб қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Давлатимиз томонидан энергетика тизимини ривожлантириш учун 2011–2015 йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган дастур ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Дастурга мувофиқ 46 та инвестиция лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилиши режалаштирилган. Ҳозир ушбу лойиҳаларнинг кўпчилиги



амалиётда қўлланилмоқда. Бундан ташқари, хорижнинг илғор тажрибаларидан унумли фойдаланиш, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Кўргазма доирасида, айниқса, энергетика соҳасида жуда кўплаб замонавий ва тежамкор ускуналар намойиш этилди. Жумладан, “Марҳамат электротехника заводи” ва Хитойнинг “Чжэцень Конки Электро” корхонаси иштирокчиларга паст вольт билан ишлайдиган электр ускуналарини таклиф этган бўлса, Италиянинг “VISA S.r.L” компанияси мустақил равишда электр энергияси ишлаб чиқарадиган кичик электр станцияларни намойиш этди.

Сир эмаски, бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида электр энергияси ишлаб чиқаришда қуёш нури, шамол, денгиз тўлқинларидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Ушбу кўргазмада ихчам ва экологик тоза қуёш нуридан фойдаланиб, сувни иситиб берадиган технологиялар билан иштирок этяпмиз, – дейди “YASHIN-GROUP” очиқ турдаги акционерлик жамияти раҳбари Акбар Сатторов. – Маълумки, юртимизда йил – ўн икки ой қуёш чарақлаб туради. Шу боисдан, шамол ва биомассалардан кўра, қуёш нуридан электр энергияси олиш осонроқ. Ихчам технологияларимиз бемалол битта хонадонни иссиқ сув билан таъминлай олади. Бундан ташқари, унча катта жойни ҳам эгалламайди. Асосийси, узоқ йиллик кафолат ҳам берилади.

Шунингдек, “UzStroyExpo – 2014” кўргазмасида ҳам иштирокчиларни ўзига жалб этадиган кўплаб қурилиш материаллари, ихчам технологиялар намойиш этилди. Алоҳида қайд этиш керакки, сўнгги йилларда мамлакатимизда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бир неча баробарга ўсди. Бунинг бош сабаби эса юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларидир. Шу боисдан, кўргазмада маҳаллий ва хорижий корхоналар нафақат ўз маҳсулотлари, балки хизмат турларини ҳам таклиф этишди.

– Корхонамиз улкан биноларга лифтларни ўрнатиш, етказиб бериш, монтаж қилиш, лойиҳалаш ишларини бажаради, – дейди “Premium Technics” очиқ акциядорлик компанияси раҳбари Андрей Ким. – Яна шуни таъкидлаш керакки, жамиятимиз мамлакатимиздаги турли қурилиш объектларида лозим бўладиган ускуналарни тўғридан-тўғри етказиб бера оладиган саноқли корхоналардан бири. Бундан ташқари, Хитойдаги юк ва одамлар учун мўлжалланган лифтлар ишлаб чиқарадиган “Xinjiang Tianshan Elevator Manufacturing Co. Ltd” корпорациясининг Ўзбекистондаги ягона дистрибьютори ҳам ҳисобланамиз. Асосий вазифамиз буюртмачиларга юқори сифатли ускуналар етказиб бериш, монтаж ва лойиҳалаш ишларини бажариш, лифтлар ва эскалаторларга хизмат кўрсатишдан иборат.

Кўргазмаларда кўплаб шартномалар имзоланди.

**Акбар ҚАРШИЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**



Фарғона Вилояти

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва “Ўзкимёсаноат” ДАК ҳамкорлигида “Farg'onaazot” ОАЖда медиатур ўтказилди.

# ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТ БАРҚАРОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Матбуот-анжумани иштирокчиларнинг асосий ишлаб чиқариш цехларига ташрифи билан бошланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, минерал ўғитлар ва кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистондаги йирик корхоналардан бири ҳисобланадиган жамиятда атмосферага зарарли моддаларнинг чиқишини камайтириш, экологик тоза технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш борасида ижобий натижаларга эришилмоқда.

Президентимизнинг 2007 йил 27 июлдаги “2007-2011 йиллар мобайнида кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Farg'onaazot” ОАЖда аммиак ишлаб чиқаришини капиталтиклаш бўйича инвестиция лойиҳалари ҳаётга татбиқ этиляпти. Бу каби инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, атроф-муҳитга зарарли моддалар ташланмаларини камайтириш билан бир қаторда агрегатларнинг барқарор ҳамда хавфсиз ишлаши таъминланмоқда.

Азот оксиди ташламаларини камайтириш мақсадида иқлим ўзгариши бўйича Киото протоколи доирасида “Мусаффо ривожланиш механизми” лойиҳаси бажарилмоқда. Корхона томонидан табиатни муҳофаза қилишга оид объектларга имтиёзли солиқ солиш механизмидан фойдаланилмоқда.

Экологик менежмент тизимининг жорий этилиши мониторинг ва ҳисобга олишнинг замонавий усуллари ҳамда жараёнларини қўллаш орқали атроф-муҳитга таъсир юзасидан назоратни яхшилаш имконини берди.

Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонунининг ижросини таъминлаш бўйича мониторинг дастурларида корхона томонидан санитария-гигиена меъёрларига риоя қилиш, атмосфера ҳавосига ташланмалар, оқова сув ва чиқиндилар юзасидан режали назорат амалга оширилмоқда.

Корхонада саноатнинг турли чиқиндиларидан унумли фойдаланиш бўйича технологиялар татбиқ этилмоқда. Маҳаллий кимёвий заводларнинг чиқиндилари (таркибида кальций мавжуд бўлган) асосида фаоллаштирилган материал кукуннинг тажриба-саноат партияси ишлаб чиқилган ҳамда олинган.

Медиатур кун тартибидаги масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тарғибот-ташвиқот бўлими бошлиғи Хония Асилбекова, “Farg'onaazot” ОАЖ ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Адҳам Азларов, “Farg'onaazot” ОАЖ техника хавфсизлиги бўйича муҳандиси Илҳом Абдувоҳидов, Экоҳаракат Фарғона вилояти ҳудудий бўлинмаси бошлиғи, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси ўринбосари Акрамхон Авлиёхоновлар сўзга чиқишди.

Тадбирда кўп бора таъкидланганидек, табиат мусаффолигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар келажакка қўйилаётган заминдир. Йирик корхоналарнинг тараққиётга катта ҳиссаси баробарида атмосферага, ҳавога, табиатга салбий таъсири ҳам катта. Бошқача айтганда, улар осмонни – атмосферани жароҳатлайди. Бу эса бизни огоҳликка чорлаши табиий. Зеро, биз инсоният битта ер устида яшаймиз, битта осмон остида яшаймиз!

Корхонада олиб борилган ишлар – табиатга етказилаётган зарарнинг камайтирилгани экологик муаммоларни бартараф этиш йўлидаги муҳим қадамдир. Бу эса барчанинг дилидаги, кўнглидаги гапдир.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Жиззах Вилояти

**Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах филиалида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган. Ташхис қўйиш, ҳомиладор аёлларнинг соғлиғини тиклаш, туғуруқни қабул қилиш, турли касалликлар билан туғилган чақалоқлар ҳамда оналарни даволашга ихтисослаштирилган шифохонада малакали тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатмоқда.**

# БОЛА СОҒЛОМ, ОНА ХОТИРЖАМ



– Муассасамиз “Саломатлик — 2” дастури доирасида энг замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган, — дейди шифохона директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Малоҳат Мустафоева. — Жумладан, носоғлом ва нафас етишмовчилиги билан туғилган болаларнинг соғлиғини тиклашда “ИВЛ” ускунаси ҳамда 4 та “Синап” русумли ускунадан самарали фойдаланмоқдамиз. Шунингдек, Германияда тайёрланган 8 та реанимация жамланмаси фавқулодда ҳолатларда жуда қўл келаётир. Мос равишда мутахассислар малакасини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

165 ўринга мўлжалланган тиббиёт муассасаси инфратузилмасини яхшилашга қаратилган тадбирлар ҳам изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йили 121 миллион сўм сарфланиб, марказнинг сув таъминоти тармоғи янгилаб чиқилди. Айни вақтда шифохонада жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ҳудудда болалар ва оналар саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

# КИТОБ БАЙРАМИ



**(Боши 1-саҳифада)**

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида ёш авлоднинг китобга бўлган меҳрини кучайтириш орқали уларда юксак маънавий фазилатлар, ватанпарварлик, фидойилик, меҳнатсеварлик, катталарга ҳурмат каби ғояларни янада мустаҳкам қарор топтириш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

«Болалар китоби» республика фестивалидан кўзланган асосий мақсад ҳам истиқлол йилларида маънавият, адабиёт,ноширлик соҳаларида қўлга киритилган улкан ютуқ ва марраларни кенг жамоатчиликка етказиш, болалар адабиётини ривожлантириш, ёшларни истиқлол ғояларига садоқат, она Ватанга муҳаббат, ибратли анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда китобнинг аҳамиятини янада кенгайтиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди, “Ўздавкитобсавдотаъминот” масъулияти чекланган жамияти, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган китоб байрами Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

«Болалар китоби» республика фестивалида олтмишдан ортиқ нашриёт ва матбаа корхонаси ўз китоб маҳсулотлари билан қатнашмоқда. Китоб байрамида Президентимизнинг сўнгги йилларда чоп этилган асарлари кўргазмаси, Соғлом бола йилига бағишланган ҳамда нуфузли халқаро китоб ярмаркаларида совринли ўринларга муносиб топилган китоблар тақдимоти ташкил этилди.

– Мамлакатимизда кенг кўламли маънавий ислоҳотлар натижасида болаларнинг китобга бўлган қизиқиши тобора кучайиб бормоқда, – дейди Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи директори Улуғбек Эшмуҳамедов. – Бу жиҳатлар кутубхоналарда, маърифат масканларида китоб мутолааси билан машғул бўлган ёшлар сафининг тобора ортаётганида яққол намоён бўлмоқда. Ушбу фестиваль китоблар ҳақида ўқитувчилар, ота-оналар, кенг жамоатчиликнинг фикрини ўрганиш, баркамол авлод тарбиясига оид ноширлик ишларида янгидан-янги истиқболларни белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этади.

Фестиваль доирасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ёш ижодкорлар, адиб ва шоирлар, рассом-дизайнерлар ўртасида «Ўзбекистон – ягона Ватан!» мавзусидаги танлов ўтказилди. «Энг яхши ёш китобхон», «Китобхон оила», «Менинг биринчи китобим», «Атроф-олам муҳофазаси – саломатлик гарови», «Китоб – энг яхши совға» мавзуларида викториналар, интеллектуал ўйинлар, «Китоб ўқишни ёқтирасизми?» мавзусида ижтимоий сўровномалар ўтказилди.

Тошкент шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар марказларидаги адабиёт, бадиий ижодга оид тўгараклар аъзолари ишларининг кўргазмаси, болаларга мўлжалланган театр жамоаларининг бадиий чиқишлари, спектакллардан лавҳалар, концертлар, расмлар кўргазмаси фестивалга кўтаринки кайфият ва ранг-баранглик бағишлади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Сирдарё Вилояти

КИЧИК БИЗНЕС

# МАҲАЛЛАСИНИ ОБОД ЭТАЁТГАН ТАДБИРКОРЛАР

***Боёвут тумани “Деҳқонобод” қишлоқ фуқаролар йиғинида 1800 та хонадон мавжуд бўлиб, тўртта қишлоқ врачлик амбулаторияси, учта мактабгача таълим муассасаси, учта умумтаълим мактаби, битта касб-ҳунар коллежи аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. Айниқса, маҳалла фаоллари томонидан ота-оналар ва ёшлар ўртасида доимий тарзда уюштирилаётган давра суҳбатлари ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш, ҳаёт йўлларини тўғри танлаш ҳамда ўз олдига қўйган мақсадларига эришишларида дастуриламал бўлмоқда.***



– Умрзоқобод, Қаропчи ва Бекат маҳалла хонадонларида катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда бўлиш, ота-онани қадрлаш, муқаддас ҳисобланмиш оила қўрғонини асраш, ҳар қандай бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолмаслик каби мавзуларда тез-тез давра суҳбатлари, учрашувлар олиб борилаётганлиги ёшлар тарбиясида муҳим роль ўйнаяпти, – дейди Қаропчи маҳалласи фаоли, “Дўстлик” ордени соҳибаси Ўразгул Маматова. – Ўтказилаётган тадбирларнинг барчасида ҳуқуқ-тартибот ходимлари, меҳнат фахрийлари, шифокорлар ҳамда тадбиркорлар фаол иштирок этиб келмоқда. Бу эса учрашувларнинг самарали ўтишини таъминламоқда.

“Деҳқонобод” қишлоқ фуқаролар йиғинида аҳолига сифатли сервис хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилган. Бунда тадбиркорларнинг ҳиссаси катта. Тадбиркор Шукуржон Раҳмонбердиев раҳбарлигида “Такси пльюс Абдулазиз ҳамкор” кичик автокорхонасининг 15 та енгил автомобили Гулистон шаҳри ва “Деҳқонобод” қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келяпти. Шукуржон Раҳмонбердиев бу эзгу ишлари билан чекланиб қолмай, “Ҳақберди самараси” фермер хўжалигига 100 бош наслли қорамол олиб келиб, чорвачиликни ҳам кенг йўлга қўйди. Қишлоқ ёшларидан эса ўн нафардан ортиғи янги иш ўрнига эга бўлди.

Шунингдек, “Деҳқонобод” қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи “БОЁВУТ – МАКС ПРОФИТ” масъулияти чекланган жамиятининг раҳбари Акмал Абдуллаев ҳам эл хизматидаги тадбиркорлардан. У ўзи яшаётган ва қўшни маҳалла фуқароларини сифатли ун билан таъминлаш мақсадида Истиқлолимизнинг 23 йиллиги арафасида мини-ун заводини ишга туширди. Бунинг натижасида 25 нафар боёвутлик ёшлар иш билан таъминланди. Ушбу заводда



хориждан келтирилган 795 минг АҚШ долларилик замонавий ускуналар ёрдамида бир кунда 90 тоннага яқин биринчи ва иккинчи навли юқори сифатли ун ишлаб чиқарилмоқда.

Фуқаролар йиғинида деҳқончиликнинг ҳадисини олганлар ҳам талайгина. Улар ўз томорқаларида боғ барпо этиб, бозорларимизни бир неча турдаги мева маҳсулотлари билан тўлдирмоқда. Умрзоқобод маҳалласида яшовчи Ахтам Тўрақулов 20 сотих майдонда анорзор барпо қилиб, ҳар йили туман бозорини турли навдаги анор маҳсулоти билан таъминламоқда.

– Деҳқончиликнинг ўзига хос қийинчилиги бор, – дейди Ахтам Тўрақулов. – Баҳорда кўчатларни очиб, кўзда кўмишни машаққат демаса, анорчилик кони фойда. Ҳар йили анордан 8-10 миллион сўм даромад қиламиз. Рўзғоримиз бут, оилада бирор нарсага муҳтожлик сезмаймиз.

Ҳа, деҳқонободликлар маҳалласи юртнинг гуллаб яшнаши, равнақ топиши учун бор куч-ғайратини ишга солиб меҳнат қилмоқдалар.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**
*Муаллиф олган суратлар.*




# МОЛИ СОҒНИНГ КЎНГЛИ ЧОҒ

## КУЗ МАВСУМИДА ЧОРВА МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УЧУН ВЕТЕРИНАРИЯ ТАДБИРЛАРИГА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДАШИШ ЗАРУР

Чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришда чорва молларини турли касалликлардан ҳимоя қилишнинг ўрни беқиёс. Тажрибали чорвадорлар бунга катта эътибор берадилар. Қуйида куз ойларида чорвачилик, паррандачилик, балиқчиликда учрайдиган касалликлар ва уларнинг олдини олиш чоралари ҳақида сўз юритамиз.

**Қорамолчилик.** Кузда қонпаразитар касалликларини чақирувчи Hyoloma авлодига мансуб қон сўрувчи каналарнинг генерацияси (кўпайиш даври) энг авжига чиқиши сабабли қорамолларнинг ушбу касалликлар билан зарарланиши кўпайиши ва касаллик оғир ўтиш ҳолатлари кузатилади. Куз фасли келиши биланоқ ферма ва унинг атрофини ободонлаштириш, каналарнинг ривожланиши учун қулай бўлган биотопларни йўқотиш, яйловларда санация ишларини олиб бориш лозим.

Иссиқ кунлари каналарга қарши юқори самарадор акарицид препаратлардан (циперметрин, неацидол) бири билан қўлланма асосида молларни чўмилтириб туриш зарур. Ҳайвонларни пироплазмидозлардан кимёвий усулда профилактика қилиш учун ҳар 15 кунда 1 марта молнинг ҳар 100 кг. тирик оғирлиги ҳисобига 5,0 мл.дан полиамидин, беренил, диамидин препаратлардан бири мол териси остига юбориш орқали қўлланилади.

Касалланган моллар ҳар куни клиник кўрикдан ўтказилади. Кунига 2 мартадан (эрталаб, кечқурун) тана ҳарорати ўлчанади ва даволаш чоралари кўрилади. Тейлериоз касаллигини даволашда касалликнинг шизогонал босқичига ва гаметоцитар шаклига таъсир этувчи патогенетик препаратларни комплекс равишда қўллаш тавсия этилади.

Янги туғилган бузоқлар ошқозон-ичак касалликларига қарши колострал иммунитет ҳосил қилиш учун ҳамда туғишига 1,5-2 ой қолган қорамолларни ассоциацияланган вакцина ёки поливалент радиовакциналар билан биринчи марта 3 мл, иккинчи марта 5 мл. миқдорида 12-14 кун оралиғи билан эмлаш тавсия этилади.

**Қўйчилик.** Қўйларда бўладиган хавфли юқумли анаэроб касаллигининг (брадзот, энтеротоксемия) олдини олиш мақсадида улар вакцина билан мускул орасига 1 мл.дан эмланади. Псороптоз, саркоптоз ва демодекоз каби қўтир касалликларининг олдини олиш ва даволаш мақсадида кунига икки марта 9-10 кун давомида Циперметрин препарати билан чўмилтириш ёки Ивомек препаратини инъекция қилиш зарур.

Эстроз касаллигига қарши Циперметрин препаратининг 0,015 фоизли сувли эмульцияси билан нафас йўлларига шприц ёрдамида 10-20 мл/бош ҳисобига 1-2 карра юбориш лозим. Гельминтоз касалликлари чорва моллари орасида кенг тарқалган бўлиб, улар моллар маҳсулдорлигини пасайиши сабаб бўлади.

Гельминтозлар қаторига кирувчи ичак цестодозлари – мониезиоз, авителинноз ва тизанезиозлар ҳамда ошқозон ичак стронгилятозлари (нематодироз, маршаллагиоз, остертагиоз, трихоцефалёз ва бошқалар) ва диктиокаулёз касалликларига қарши барча молларни албендазол, албен, валбазен, фенбендазол, (панакур, фенкур), мебендазол (мебенвет), тетрамизол (нилверм) каби антигелминт препаратлар билан режали (октябрь-ноябрь ойларида) дегельминтизация тадбирларини ўтказиш лозим.

Ҳайвонлардан инсонга ва, айниқса, чорвадорлар оиласи учун хавф туғдирадиган зооноз гельминтозлар – эхинококкоз, ценуроз, цистицеркоз касалликларига қарши кураш чора-тадбирлар тизимини тўлиқ ва сифатли амалга ошириш ўта муҳим вазифа ҳисобланади. Айниқса, хўжалик ва қишлоқ ҳудудидаги итларни рўйхатга олиб, уларни дегельминтизация қилиш, мол сўйиш ва ёриб кўришни махсус жойларда ўтказиш, молларнинг эхинокок, цистицерк билан зарарланган ички аъзолари ҳамда ценуроз касаллиги билан касалланган моллар бошини куйдириб ёки қайнатиб зарарсизлантириш, уларни итларга едиришга асло йўл қўймаслик зарур.

Гельминтозооноз касалликларининг олдини олиш учун бир қатор комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Бу тадбирлар асосида ёввойи гўштхўр ҳайвонларни ҳамда дайди итларни йўқотиш, отарлардаги чўпон итлар сонини камайтириш, сақлаб қолинганларни эса йилига 8 марта (4 марта боғловли ва 4 марта эркин) махсус ажратилган жойларда водород бромидли ареколин препаратидан 1,0 кг. тирик вазнига 5 мг. ҳисобида 0,1 фоизли сувли эритмаси билан гижжасизлантиришни таъминлаш лозим.

Қўтонларни қишга тайёрлаш ишларини олиб бориш, турли эктопаразитларни (бит, бурга, чивин, қўтир каналари) ва бошқа касаллик қўзғатувчиларни йўқотиш учун неацидол, циперметрин, креолин каби препаратлар билан дезинфекция қилиш лозим.

**Паррандачилик.** Куз мавсумида ҳар хил қушларнинг четдан учиб келиши, намгарчилик, совуқ ҳаво оқимининг бўлиши натижасида паррандаларда ҳар хил юқумли, юқумсиз ва паразитар касалликлар кузатилиши мумкин. Бу касалликларнинг олдини олиш мақсадида паррандахоналарда ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилиш, микроиқлимни мувофиқлаштириш, витаминларга бой сифатли ва тўйимли озуқалар (буғдой, соя шроти, балиқ уни, ёғ) билан озиқлантириш орқали паррандалар организмининг резистентлигини ошириш, санация, дезинфекция тадбирларини кучайтириш керак.

Ёш жўжалар турли ошқозонichak касалликларига чалинувчан бўлади. Бунинг олдини олиш учун сувдонлардаги сув 1 кунда икки марта алмаштирилиб, ҳафтада 2 марта оч пуштиранг марганцовка эритмаси солиб туриш керак. Биринчи ва иккинчи кунлари жўжаларга 1 фоизли глюкоза сув билан ичирилади. Учинчи, тўртинчи ва бешинчи кунлари 1 литр сувга 1 гр. Энрофлокс препарати профилактика учун ичирилади.

Жўжаларга 5 кунлигидан бошлаб оқсилли емлар (творог, қатиқ, гўшт чиқитлари) ва бошқалар берилади. 30-35 кунлигида кокцидиоз касаллигига қарши (кокцидиовит, левомицитин, Ампролиум, Ампросол) дорилар билан профилактика қилинади. Аскаридоз ва гетеракидоз касалликларидан ҳимоя қилиш учун жўжалар икки ойлик бўлганда икки кун давомида пиперазин ёки фенотиазин препаратларини бериш лозим.

**Асаларичилик.** Асаларичилик ривожланишига асосан варроатоз, акарапидоз, америкача ва европача чириш, нозематоз, аскосфероз, пестицидлар билан заҳарланиш ва бошқа бир неча инфекцион ва инвазион касалликлар тўсқинлик қилади. Варроатоз касаллиги бугунги кунда асалариларнинг энг хавфли касаллиги бўлиб, каналар ишчи, эркак ва ўсиб келаётган ёш асаларилар танасида паразитлик қилади. Агар йил давомида варроатозга қарши курашилмаса, асалари оиласи нобуд бўлиши мумкин.

Варроатозга қарши Флуцин, Валин, Амиакар каби препаратлар асалари каналарига қарши яхши самара бермоқда. Канага қарши ишлов кеч кузда, мумкатакда ёш арилар қолмаган пайтда 1-2 марта ўтказилса, асаларилар қишловдан соғлом чиқади. Акарапидоз каналар қўзғатадиган инвазион касаллик асалариларнинг трахеясини (нафас йўлларини) зарарлайди.

Касалликка қарши барча даволаш воситалалари фумигация усулида қўлланилади. Чунки тез таъсир этувчи моддалар газ, буғ ёки аэрозол ҳолатида асаларининг нафас олиш тизими йўлларида жойлашган паразитларга етказилиши лозим. Касалликни даволашда варроадез, экопол препаратларини қўллаш яхши натижа беради. Америкача ва европача чириш асалари оилаларининг мумкатакдаги ёш ариларнинг ўлими билан кечадиган касалликдир.

Ветеринария илмий-тадқиқот институти олимлари моғорли антибиотиклар ўрнига яхши самара берадиган, таркибида энрофлоксацин таъсир этувчи модда бўлган апифлокс препаратини татбиқ этганлар. Асаларичиликда инфекцион ва инвазион касалликларни даволашдан кўра, профилактика чора-тадбирларини олиб бориш яхши натижа беради.

**Балиқчилик.** Балиқларда кузда кўпроқ учрайдиган краснуха касаллиги балиқ териси ва ички органларининг геморрагик яллиғланиши билан кечади. Бунда балиқ қанотларида қизил доғлар, анус кратерсимон бўртиб чиққан бўлади. Касалликни профилактика қилиш учун 10 кун давомида йўриқнома фуразолидон асосида берилади. Даволаш пайтида сув ҳавзаларига оҳак солиниб, сувнинг pH кўрсаткичи – 8,5-9,0 га етказилади.

Бронхиомикоз ўткир моғорли касаллик бўлиб, балиқ жабраларининг ўткир яллиғланиши билан кечади. Асосан увилдириқлар, шу йилги ва икки яшар балиқлар касалланади.

**Даволаш ва профилактикаси.** Сув ҳавзаларининг санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш, балиқларни сифатли омихта ем, пилла қурти, пиво ачитқиси, ҳар хил кунжаралар билан боқиш зарур.

Балиқларни қишловга қўйишдан олдин 5 фоизли ош тузи эритмасида 5 минут давомида ванна қилдирилади ёки сув ҳавзаси тубининг 1 гектар майдонига 20-30 центнер сўндирилмаган оҳак солинади.

**Дерматомикоз.** Касаллик қўзғатувчиси моғор замбуруғи бўлиб, касаллик иссиқ, суви алмашмайдиган кўлмак ҳавзаларда пайдо бўлади. Кўпинча шу йилги ва бир яшар балиқлар касалланади.

**Профилактикаси.** Балиқларни тўйимли озиқлантириш, яхши газ ва сув алмашинуви, 5 фоизли ош тузи эритмасида (100 литр сувга 5 кг. ош тузи) 5 минутдан ванна қилдириш лозим.

**Лигулёз.** Касаллик қўзғатувчиси лентасимон гельминт-лигула бўлиб, касалланган балиқлар сув юзасида ёнбошлаб ёки чалқанча сузиб юради, қорни шишган, қаттиқ бўлади.

**Профилактикаси.** Лигулёзнинг плероцеркоидини ташувчи майда қисқичбақачаларни йўқотиш учун ёзда ҳавза қуритилади. Ҳавзадаги ҳамма нам ерлар, чуқурлар ҳавза туби юзасининг 1 гектарига 30 центнер сўндирилмаган оҳак солиниб дезинфекция қилинади. Балиқ овловчи қушлар сув юзасига чиқиб турган дағал ўсимликларга қўнмаслиги учун улар ўриб олинади, чунки бу қушлар лигуланинг ривожланишидаги доимий хўжайин ҳисобланади.

Юқоридаги тадбирларни ўз вақтида бажариш чорвачилик ва паррандачилик, асаларичилик, балиқчиликда юқори маҳсулотлар олишда муҳим аҳамият касб этади.

**Собир МАВЛОНОВ,**
**Ветеринария илмий-тадқиқот институти директори.**

○ Реклама ва эълонлар

**SOTILADI:**

**QOG'OZ**

OFSET 55,70. 80 gr.
ETIKETKALAR uchun (UPM Finlyandiya) 80 gr.
MELOVANNAYA 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 gr.
QADOQLASH UCHUN (KRAFT) 60, 70, 80 gr.
QOG'OZ QOPCHALAR UCHUN (KRAFT) 60,70 gr.

**Shuningdek, QALIN QOG'OZ**

SYELLYULOZA 210, 230, 250, 270, 300 gr.
DYUPLYEKS 250, 300, 350 gr.

«ABSOLYUTE BUSINESS TRADE» XK xizmat ko'rsatadi
Mahsulotlar sertifikatlangan
Xizmatlar litsenziyalangan

**ПРОДАЁТСЯ:**

**БУМАГА**

ОФСЕТНАЯ 55, 70, 80 гр.
ЭТИКЕТОЧНАЯ (UPM Финляндия) 80 гр.
МЕЛОВАННАЯ 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 гр.
УПАКОВОЧНАЯ (КРАФТ) 60, 70, 80 гр.
МЕШОЧНАЯ (КРАФТ) 60, 70 гр.

**А также, КАРТОН**

ЦЕЛЛЮЛОЗА 210, 230, 250, 270, 300 гр.
ДЮПЛЕКС 250, 300, 350 гр.

Услуги оказывает: ЧП «ABSOLYUTE BUSINESS TRADE»
Товары сертифицированы
Услуги лицензированы

+99895 194-00-14, +99898 362-91-11

*Вниманию руководителей организаций и предприятий!*

**ИНЖИНИРИНГОВАЯ КОМПАНИЯ "СЛУЖБА ЕДИНОГО ЗАКАЗЧИКА" ТАШКЕНТСКОГО ОБЛАСТНОГО ХАКИМИЯТА ОБЪЯВЛЯЕТ ПОВТОРНЫЕ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО ОБЪЕКТАМ ЛОТ 3-1 И 3-2:**

Подлот-3-1: Строительство автодорог в массиве образцовых жилых домов на территории КФЙ Тинчлик махали Ийк-ота в Юкоричирчикском районе Ташкентской области на 2014 г.;

Срок окончания работ, установленный заказчиком – 70 календарных дней.

Стартовая цена заказчика составляет – 596 058 612сум с НДС.

Стартовая цена заказчика составляет – 496 715 510 сум без НДС

Подлот-3-2: Строительство автодорог в массиве образцовых жилых домов на территории КФЙ Кошкурган махали Кошкурган в Бостанлыкском районе Ташкентской области на 2014 г.;

Срок окончания работ, установленный заказчиком – 90 календарных дней.

Стартовая цена заказчика составляет – 1 210 942 245 сум с НДС.

Стартовая цена заказчика составляет – 1 009 118 537 сум без НДС

Организатор торгов: Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.

**Заказчик: Инжиниринговая компания «Служба единого заказчика» Ташкентского областного хокимията.**

**Адрес заказчика: г.Ташкент, проспект Амира Темура дом 17. Тел: 233-06-95.**

К претендентам на участие в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные требования: наличие оборотных средств, в размере 20% от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора, наличие опыта работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ планируемому к выполнению собственными силами на конкурсном объекте.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных организаций, для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия на торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу: г.Ташкент ул. Навои дом 18. 308/311 комнаты. Телефон (факс): 241-15-26, 241-15-32.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации – 150 000 (сто пятьдесят тысяч) сум.

Последний срок представления оферт организатору торгов приурочен ко дню и часу вскрытия оферт по адресу: г.Ташкент проспект Амира Темура в здании Ташкентского областного хакимията.

Вскрытие оферт состоятся по истечении 30 дней со дня опубликования объявления.

**АГРОТЕХНИКА**

~ Беларус 80Х ~ Беларус 82.1 ~ Беларус 1025
~ Боғ ва ферма учун тракторлар
~ Гусеницали тракторлар
~ Прессподборщик
~ Ғўзапоя ўрадиган комбайн
~ Ўт ўрадиган комбайн
~ Макка ўрадиган комбайн
~ Жўхори йиғувчи комбайн
~ Косилка КИР 1,5
~ Сомон йиғувчи мосламалар
~ Картошка терадиган комбайн
~ Картошка экадиган комбайн
~ Буғдой экадиган сеялка
~ Пахта экадиган сеялка
~ Дори сепадиган мосламалар
~ Сачратиб суғорувчи мосламалар
~ Ем майдалаб тарқатувчи техника
~ Культиваторлар
~ Плуг, айланма плуг, дискали плуг
~ Чизель, борона
~ Экскаватор погрузчик, бульдозер
~ Траншеекопатель, ямобур



(+99871) 150-58-58
150-68-68
Сайт: www.sninvest.uz
E-mail: info@sninvest.uz
SN INVEST
Маҳсулот сертификатланган
Буюртма асосида

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (реестр № 006731-01, 08.09.2014 й.) давлат рўйхатидан ўтган "SHAXZOD STAR MEDIA" МЧЖ (СТИР 303042490) 18.09.2014 й.даги таъсисчининг қарорига асосан тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида Тошкент ш. Учтепа т. Нур кўч. 40 уй манзили бўйича қабул қилинади.

ООО "ALEKS INFOTECH INTERNATIONAL" ликвидируется. Претензии и требования предъявляются в течение двух месяцев по тел.: 120-62-32.

Тошкент ш. Миробод т. ТСРЎИда (реестр № 005708-03, 16.03.2012 й.) давлат рўйхатидан ўтган "TAKSI ALIYE PARUSA" МЧЖ (СТИР 207146020) 17.09.2014 й.даги таъсисчиларнинг 11-сонли қарорига асосан тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 350-42-25.

Утерянную круглую печать выданную хакимиятом Сергелийского р-на г. Ташкента на ТЧСЖ "SEVARABONU SERVIS" (ИНН 300488516) считать недействительной.

Утерянный диплом № 018607 выданный в 1995 г. II Республиканским Медицинским колледжем на имя Муслимовой Шахнозы Сайфуллаевны, считать недействительным.

Утерянный диплом РВ № 850864 выданный в 1990 г. Ташкентским Государственным педагогическим институтом (ныне университет) им. Низоми на имя Сабуровой Сапаргул Каримовны, считать недействительным.

ИП ООО "RUN TONG METAL INDUSTRIAL" сообщает об уменьшении уставного фонда с 8 500 000 долларов США до 2 773 520,97 долларов США (Основание Решение единственного участника № 8 от 17.09.2014 г.). Претензии принимаются по адресу: Ташкентская обл. Ахангаранский р-н Промзона (ООО "LINPLAST").

Утерянные: план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Хамзинский р-н м-в Лисунова кв-л 2 д. 13 кв. 3 выданный кадастровой службой Хамзинского р-на и гос. ордер № 07-22/21-71 Р № 0715458 от 08.11.1993 г. на имя Мухамедовой Савриниса Тишабаевны, считать недействительным.

Тошкент ш. Олмазор т. ҳокимияти ҳузуридаги ТСРЎИда (14.11.2011 й., реестр № 005539-05) рўйхатга олинган "OLMAZOR ELEKTROJIHOZ" МЧЖнинг (ИНН 302135519) фаолияти 02.09.2014 й.даги 8-сонли қарорига асосан тугатилади. Манзил: Олмазор т. Уста Ширин кўч. 117-уй. Даъволар 2 ой мобайнида 304-54-84 тел. орқали қабул қилинади.

ООО "SOFT-LECH" (ИНН 207038004) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского р-на г. Ташкента (№ 002194, 27.10.2009 г. реестр № 003681-09) расположенное по адресу: г. Ташкент массив Бел-Тепа д. 15 кв. 2, ликвидируется (решение учредителя № 4 от 16.09.2014 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования указанного объявления.

**АО"TASHELEKTROSHIT"**

Сообщает об утере подлинника Проспекта эмиссии № Р0105 от 18 октября 1999 года и Решения Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг № 15-07/51 от 27 июля 2001 года о внесении изменений и дополнений в проспект эмиссии № Р0105 от 18 октября 1999 года

М.Улуғбек т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан (реестр № 007760-04, 13.12.2012 й.) рўйхатдан ўтган "STANDART CONSTRUCTION GROUP" МЧЖ устав фонди 850 000 000 сўмдан 17 305 500 сўмга камайтирилишини маълум қилади. Тел.: 992-01-05.

ИП ООО "MINDA AUTOMATIVE SOLUTIONS" (ИНН 301107956) зарегистрированное Министерством Юстиции Республики Узбекистан (№ 991, 19.03.2009 г.) ликвидируется (в соответствии с Решением учредителя № 19/09 от 19.09.2014 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент ул. Бобур д. 73. Тел.: +99890 971-01-69.

Утерянный гос. ордер № 00-21/13478 от 11.12.2001 г. права собственности на квартиру на имя Файзуллаева Нурмухаммада Рахматуллаевича, считать недействительным.

"SARBON MILLIY TAOMLARI" хусусий корхонаси устав жамғармасини 9 940 000 сўмдан 1 090 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

Утерянный гос. ордер № 03-22/85 от 21.01.1993 г. права собственности на квартиру на имя Акимова Упаша, считать недействительным.

**Поставка и продажа тракторов МТЗ и сельхоз.техники производства Беларусь.**



Гарантия Лизинг
Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.
Товары сертифицированы, услуги лицензированы.
Тел.: (99895) 170-08-50.

**Заводские запчасти для тракторов МТЗ Производство Беларусь**



Товары сертифицированы, услуги лицензированы
Тел.: (99895) 199-31-66, (99893) 504-58-09

**Продажа всех видов шин для грузовой и сельскохозяйственной техники.**



Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.
Товары сертифицированы, услуги лицензированы.
Тел.: (99895) 170-32-52, (99893) 377-13-95

Қашқадарё вилояти

2014 ЙИЛ – СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

# БОЛАЖОНЛАР ҒОЯТДА МАМНУН

**Қарши шаҳрида Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғи ҳамда болалар маданият ва истироҳат боғларида амалга оширилган реконструкция ишлари натижасида ушбу масканлар янгича қиёфа касб этди.**



Ж.Норқобилов (ЎзА) олган суратлар.

Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида қарийб 2 миллиард 115 миллион сўмлик маблағ эвазига қурилиш-таъмирлаш ҳамда янги аттракционларни ўрнатиш ишлари олиб борилди.

Натижада боғ ҳудудига қўшимча равишда 15 та ҳар хил турдаги янги аттракционлар, ўйин қурилмалари, 450 дан ортиқ тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Музқаймоқ ва салқин ичимликлар сотишга мўлжалланган 2 та дўкон қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, бу ерда мини-футбол, волейбол, теннис, бадминтон, рақс майдончалари, фото ва видео студиялар, амфитеатр, кўллар мажмуаси ҳамда бассейнлар ишга туширилди. Янги аттракционлар, айниқса, болажонларга жуда манзур бўлмоқда.



Шаҳардаги яна бир дам олиш маскани – болалар маданият ва истироҳат боғида ҳам 620 миллион сўмдан ортиқ маблағ ҳисобига йирик ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, замонавий аттракционлар фаолияти йўлга қўйилди.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрдаги "2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, боғимизда болажонларнинг мириқиб дам олишлари учун қатор қулайликлар яратилди, – дейди истироҳат боғи директори Рустам Ражабов. – Жумладан, "Ҳаво шарчаси", "Сув шари", "Қувноқ поезд", "Ари", "Циклодром" каби 12 турдаги янги аттракционларни ўрнатиш, электромобилларни янгилаш ишларини амалга оширдик. Учта дўкон, битта сунъий қопламали мини футбол, стол тенниси ва шахмат-шашка майдончалари, фотостудия ва бошқа нуқталарни ишга туширдик. Аҳоли таклифларини чуқур ўрганиб, хизматлар сифати ва самарадорлигини ошириш борасида аниқ чора-тадбирлар белгиладик.

Мазкур боғлар очилишига бағишланган маросимда вилоят ҳунармандлари ва рассомларининг кўргазмалари ҳам ташкил қилинди. Яна бир ижрочилар иштирокидаги концерт дастури эса болажонлар хурсандчилигига хурсандчилик қўшди.

**Хусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**



# СПОРТ

Осиё ўйинлари:

## ВАКИЛЛАРИМИЗ ГУРУҲДА БИРИНЧИ

**Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида Осиё ўйинларининг футбол мусобақаси иккинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Миржалол Қосимов бошчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси Бангладеш терма жамоасига қарши майдонга тушиб, йирик 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди.**



Учрашув тўлиқ вакилларимиз устунлиги остида ўтди. Гонконг термасига қарши кечган биринчи турда захирадан майдонга тушган Воҳид Шодиев мазкур учрашувда асосий таркибдан жой олди. Айнан у 14-дақиқада биринчи голни киритди. Жамшид Искандаров дарвозага йўллаган тўп устунга тегиб қайтди. Тўпга биринчи бўлиб етиб келган Шодиев аниқ зарба билан ҳисобни очди.

21-дақиқада Шодиев чап қанотдан Сардор Рашидов узатган тўпни боши билан дарвозага йўллаб учрашувда дубль қайд этди. 34-дақиқага келиб эса Рашидовнинг ўзи ажойиб зарба йўллаб жамоасининг учинчи голига муаллифлик қилди. Биринчи бўлимнинг ўзида вакилларимизда гол киритиш учун яна бир қатор қулай вазиятлар бўлди. Аммо ушбу вазиятлардан унумли фойдаланилмади. Иккинчи бўлим ҳам тўлиқ вакилларимизнинг устунлиги остида ўтган бўлса-да, жамоа фаоллиги пасайди. Бўлим бошида Жамшид Искандаров, бироздан сўнг Сардор Рашидов захирага олинди. Ҳужумда фаол ҳаракат қилган ушбу футболчиларнинг жиддий сабабсиз алмаштирилиши мураббийларнинг ҳам натижадан қониқиш ҳосил қилгани ва кучни тежашни мақсад қилганидан далолат.

Ўзбекистон терма жамоаси ушбу ғалабадан сўнг 4 очко билан "В" гуруҳда биринчи ўринга кўтарилиб олди. Иккинчи турда Афғонистон терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлуб қилган Гонконг терма жамоаси ҳисобида ҳам шунча очко мавжуд бўлиб, тўплар нисбатига кўра биздан ортда қолишмоқда. Биринчи турда Афғонистон терма жамоасини енгиб уч очкони қўлга киритган Бангладеш терма жамоаси гуруҳда учинчи ўринда.

Вакилларимиз гуруҳдаги сўнгги учрашувни 22 сентябрь куни икки ўйинда биронта ҳам очко ололмаган Афғонистон терма жамоасига қарши ўтказади. Учрашув Тошкент вақти билан соат 13:00да бошланади.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

Навоий вилояти

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Навоий вилояти Кенгашининг ташаббуси билан вилоят хотин-қизлар қўмитаси, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамда "Камолот" ЁИҲ ҳамкорлигида "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида ёшлар фестивали ташкил этилди.*

# ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

Фестивалда дастлаб ёшлар ўртасида "Заковат" интеллектуал ўйини ўтказилди. Унда иштирокчилар жамоаларга бўлиниб, зукко ва билимдон, ҳозиржавоб эканликларини намойиш этишди. Шундан сўнг "Мустақиллик менинг тасаввуримда" лойиҳаси доирасида расмлар кўргазмаси очилди.

Шахмат бўйича ўтказилган "Мустақиллик кубоги" мусобақаларида эса ёш шахматчилар ўз маҳоратларини намоён этишди.

Навоий олимпия захиралари касб-ҳунар коллежида ёшлар учун ташкил этилган миллий кураш, енгил атлетика ҳамда футбол ва волейбол спорт мусобақалари ёшлар орасида жисмоний баркамолликни тарғиб қилиш, спортнинг оммавий ва миллий турларини, халқ ўйинларини ривожлантиришга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этди.

Фестиваль доирасида Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида таниқли эстрада хонандалари иштирокида ташкил этилган гала концерт барча қатнашчиларга ўзгача завқ бағишлади.

**Дилшод МАМАРАЖАБОВ**

БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

# НОҚОНУНИЙ ҚИММАТБАҲО ЖЎНАТМАЛАР

**Божхона органлари томонидан божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш ҳамда ушбу қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, шундай ҳолатларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ҳаракатланаётган товарлар ва транспорт воситаларини, шу жумладан, Халқаро почта орқали юборилаётган почта жўнатмаларини самарали божхона назоратидан ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.**



2004 йил 5 октябрь куни Бухарест шаҳрида имзоланган Халқаро почта жўнатмалари бўйича Конвенцияга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 18 апрелда 2219-сон билан рўйхатга олинган "Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш" қоидаларига асосан қимматбаҳо металлардан ясалган заргарлик буюмларини почта жўнатмалари орқали жўнатиш тақиқланади.

Халқаро почта иттифоқи аъзоси сифатида Ўзбекистон Республикасида ҳам юқорида зикр этилган Конвенцияга мувофиқ жўнатилаётган почта жўнатмалари бўйича CN 22 ёки CN 23 шаклидаги божхона декларацияларида юборилаётган барча товарларнинг номлари қайд қилиниши белгилаб қўйилган.

Аммо шунга қарамасдан, мазкур тартибларга риоя қилмай қимматбаҳо заргарлик буюмларини ноқонуний йўллар билан олиб ўтишга уринаётган шахслар ҳам йўқ эмас.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари томонидан тилла ва заргарлик буюмларининг юртимиз сарҳадлари орқали ноқонуний олиб ўтилишининг олдини олиш борасида доимий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг "Бошпочтамт" божхона пости ходимлари томонидан бир қанча шу турдаги қонунбузарлик ҳолатларининг олди олинди.

Жумладан, самарқандлик У.Г. номига Туркия давлатидан келган почта жўнатмаси амалдаги тартибларга мувофиқ кўздан кечирилганда, ушбу жўнатмадаги буюмлар орасида декларацияда кўрсатилмаган оғирлиги салкам 36 граммга тенг турли хил тилла тақинчоқлар борлиги аниқланди.

Маълум бўлишича, мазкур тақинчоқларнинг умумий қиймати салкам 5,4 миллион сўмни ташкил этар экан.

Шунга ўхшаш ҳолатда АҚШ давлатидан фуқаролар И.С. ҳамда М.Н. номига келган почта жўнатмалари божхона кўригидан ўтказилганда, буюмлар орасида умумий нархи салкам 16 миллион сўмни ташкил этган, оғирлиги 105 граммдан ортиқ турли хил заргарлик буюмлари борлиги маълум бўлди.

Яна бир ҳолатда бухоролик К.Ш. номига БАА давлатидан юборилган почта жўнатмасидаги буюмлар орасида тегишли ҳужжатларда қайд этилмаган қиймати 6,5 миллион сўмдан ортиқ, оғирлиги салкам 44 грамм бўлган заргарлик буюмлари борлиги маълум бўлди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 13 мартда 412-рақам билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарларни акциз солиғи солинмасдан олиб киришнинг чекланган нормалари"га кўра, жисмоний шахслар ўзлари билан оғирлиги 30 граммдан ошмаган 5 донагача қимматбаҳо металлар ва тошлардан тайёрланган заргарлик буюмларини божхона декларациясида қайд этган ҳолда бемалол олиб киришлари мумкин.

**Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати**

**Реклама ва эълонлар**

ЭЪЛОН

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

## ИКСЕЗ ХОКИМИЯТА НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

**1. По объекту: «Строительство 4-х этажного 64-х квартирного жилого дома для молодежи г.Зарафшан Навоийской области».**

**Стартовая стоимость заказчика** составляет без НДС 3 924 281 631 сум, с НДС 4 709 137 957 сум.

**Срок окончания работ,** установленный заказчиком 10 месецев.

**2. По объекту: «Строительство 4-х этажного 64-х квартирного жилого дома для молодежи Кизилтепинского района Навоийской области»**

**Стартовая стоимость заказчика** составляет без НДС 3 998 875 887 сум, с НДС 4 798 651 064 сум.

**Срок окончания работ,** установленный заказчиком 10 месецев.

**3. По объекту: «Строительство 4-х этажного 64-х квартирного жилого дома для молодежи Карманинского района Навоийской области»**

**Стартовая стоимость заказчика** составляет без НДС 4 100 882 546 сум, с НДС 4 921 059 055 сум.

**Срок окончания работ,** установленный заказчиком 10 месецев.

**Заказчик:** ИКСЕЗ Хокимията Навоийской области.

**Расположенный** г.Навоий ул.Навоий 63.

**Финансирование проекта будет осуществляться** за счет средств ипотечного кредита банка.

*(при прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса)*

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценки конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области по адресу г. Навоий ул. Гвасалия 2А тел. 225-49-96, 225-47-98

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум.

**Оферты принимаются организатором торгов по адресу:** г. Навоий ул.Гвасалия – 2А тел: 225-49-96, 225-47-98

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится по адресу г.Навоий ул.Х.Дустлиги 77А не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

*Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**"Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани "Сарбозор" МФЙ ҳудудида жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича Ғаллаорол тумани судига маъмурий бино қурилиш"**

**Объектнинг бошланғич қиймати:** ҚҚС сиз 1650,252 млн. сўм, ҚҚС билан 1980,302 млн. сўм.

**Ишларни тугаллаш муддати:** 2015 йил 30 июнгача.

**Ишларни молиялаштириш:** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачининг манзили:** Жиззах шаҳри Ўратепалик маҳалласи Лойиҳа кўчаси.

**Телефон:** (8372) 226-26-53, 226-31-75.

**Диққат!** *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан кўп бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектларига устунлик берилади.*

2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдоларида фақат қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган ташкилотлар иштирок этишларига рухсат берилади.

Танлов савдосида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20% миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин.

Жиззах ш. Ш.Рашидов кўчаси 63-уй 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 150 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Офёрталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилганидан 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах ш. Ўратепалик маҳалласи Лойиҳа кўчаси. Суд департаменти вилоят бошқармаси биноси мажлислар зали.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Шуҳрат ТЕШАЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Баҳодир ХОЛИҚОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99890) 310-06-99; Навоий – (+99891) 332-00-88; Наманган – (+99890) 278-95-87; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99893) 994-57-08; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: А.ҚАРШИЕВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: Ф.ТОИРОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-919, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.10
16240 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5